

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ХУЖАЕВ САЙДАХМАД

**РАДИОНУКЛИДЛИ $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ ГЕНЕРАТОРИНИ ВА ^{57}Co
РАДИОНУКЛИДИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

**Диссертация химоясиз ихтиро патентлари асосида
техника фанлари доктори (DSc) илмий даражасини бериш бўйича
ТАҚДИМНОМА**

Тошкент – 2021

Диссертация химоясисиз ихтиро патентлари асосида техника фанлари доктори (DSc) илмий даражасини бериш бўйича тақдимнома мундарижаси

Представление по присуждению ученой степени доктора технических наук (DSc) на основе патентов на изобретения без защиты диссертации

Representation on awarding the scientific degree of doctor on technical sciences (DSc) based on the patent of the invention without dissertation defence

Хужаев Сайдахмад

Радионуклидди $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генераторини ва ^{57}Co радионуклидини олиш технологияларини ишлаб чиқиш..... 3

Хужаев Сайдахмад

Разработка технологий получения радионуклидного генератора $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ и радионуклида ^{57}Co 27

Khujaev Saydakhmad

Development of Technologies for Obtaining the $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ Radionuclide Generator and the ^{57}Co Radionuclide..... 51

Эълон қилинган ихтиролар рўйхати

List of patents

Список патентов по теме диссертации..... 55

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ХУЖАЕВ САЙДАХМАД

**РАДИОНУКЛИДЛИ $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ ГЕНЕРАТОРИНИ ВА ^{57}Co
РАДИОНУКЛИДИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

**Диссертация химоясиз ихтиро патентлари асосида
техника фанлари доктори (DSc) илмий даражасини бериш бўйича
ТАҚДИМНОМА**

Тошкент – 2021

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/T431 рақами билан рўйхатга олиган.

Илмий-тадқиқот иши Ўзбекистон Фанлар академиси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Илмий-тадқиқот тақдимномаси уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва “Ziyonet” таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий-тадқиқот тақдимномаси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Илмий-тадқиқот тақдимномаси билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Илмий-тадқиқот тақдимномаси 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м. ф. д., профессор

О.Р. Тожибоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. PhD

КИРИШ (тақдимнома аннотацияси)

Илмий-тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати.

Жахон миқёсида радиоактив нуклидлар ва уларнинг бирикмалари фан ва техниканинг ҳар хил соҳаларида, айниқса ядровий тиббиётда кенг қўлланилади. Ҳозирги кунда радионуклидларни олиш ва ажратишга бағишланган радиокимёвий тадқиқотлар ва технологиялар долзарб муаммога айланган ва ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Радионуклидли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам номенклатура, ҳам ҳажм жиҳатдан доимо кенгайиб бориш тенденциясига эга. Шу тенденциядан келиб чиқиб, юқори сифатли радионуклидли маҳсулотлар олишнинг маълум технологияларини такомиллаштириш ва янги замонавий усулларни ишлаб чиқиш каби масалалар туғилади. Радионуклидли $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генераторини ва ^{57}Co радионуклидини олиш технологияларини ишлаб чиқиш ҳам жуда долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида ядро тиббиёти саратон, кардиология, эндокрин ва бошқа кўплаб касалликларни эрта ташхислаш усуллари орасида энг муҳим ролга эга. Ядровий тиббиёт усуллари эрта ташхислаш усуллари орасида энг истиқболли ва прогрессив усул ҳисобланади. Бу усуллар бошқа усуллардан ўзининг юқори сезувчанлиги, такрорланувчанлиги билан фарқ қилади ва энг ишончли ҳисобланади. Касалликларни ташхислашда қўлланиладиган радионуклидлар орасида энг кенг қўлланиладиган радионуклид бу технеций-99m радионуклиди. Ҳозирги кунда бу радионуклид саратон ва кардиологик касалликларни ташхислашни 85% ҳолларида қўлланилади. Технеций-99m радионуклиди бола радионуклид бўлиб, она радионуклид бўлган Мо-99 радионуклидини бета-емирилиши натижасида ҳосил бўлади. Яқин вақтгача молибден-99 асосан ядро реакторида уран-235 ни бўлиниши жараёнида (n,f) реакция натижасида ҳосил бўладиган бўлиниш маҳсуллари орасидан ажратиб олинган. Бироқ молибден-99 ни ядро реакторида (n,gamma) реакция орқали ҳосил қилиб олиш усули радиация хавфсизлиги нуқтаи назаридан хавфсизроқ ва технологияни амалга ошириш нуқтаи назаридан оддийроқ усул ҳисобланади. Кейинги пайтларда бу усул барча радиокимё тадқиқотчиларини эътиборини ўзига тортган. Юқорида айтиб ўтилганларга эътиборан молибден-99 радионуклидини олиш ва унинг асосида турли хил вариантда $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генераторини яратиш технологиясини ишлаб чиқиш жуда муҳим ва долзарб муаммо ҳисобланади.

Фан ва техникада мёссбауэр спектроскопияси аппаратурасини калибрлаш учун ^{57}Co радионуклиди ишлатилади. Бундан ташқари, ^{57}Co радионуклиди ядровий тиббиётда организмни метаболизмини ўрганишда ва турли касалликларни ташхислашда (Шиллинг тести) ишлатиладиган радиофармацевтик цианокобаламин (витамин В₁₂) бирикмасини олишда қўлланилади. Бу радионуклидга бўлган талаб узоқ муддат давомида юқори даражада сақланиб келаяпти.

Бизнинг республикада радионуклидларни ва улар асосида радиофармацевтик препаратларни олишга, уларни онкологик клиникаларда ташхислаш ва даволашда қўллаш каби ишларга бағишланган экспериментал тадқиқотларга катта аҳамият бериб келинаёпти. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясининг 2017 – 2021 йилларнинг бешта устувор йўналишларига мувофиқ ядровий тиббиёт соҳасида қўлланиладиган радионуклидларни ва улар асосида радиоактив препаратларни олиш режалаштирилган ва режани бажариш аниқланган.

Ушбу илмий-тадқиқот иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги УП-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7 ноябрдаги 5229-сонли “Фармацевтика саноатини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонларида, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги ХҚ-4526-сонли “Ядро физикаси институтининг илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва шунингдек бу соҳада қабул қилинган бошқа меърий ҳужжатларда назарда тутилган вазиятларга мос келади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикаси фан ва технологиялари ривожлантиришнинг VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқот бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Радиоактив нуклидлар, айниқса $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генератори шунингдек радионуклидлар асосида радиоактив фармацевт препаратлар (РФП) ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўлланилишига таалукли тадқиқотлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган ва ҳозирга қадар ўтказилаёпти. $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генератори ва генератор тизимида ишлатиладиган тўпламлар, турли РФП йирик хорижий фирмалар томонидан ишлаб чиқарилади. Бу фирмалар: Cardinal Health Inc. (АҚШ); CisBio(Франция); GE Healthcare(Буюк Британия); Nordion Inc. (Канада); ISOTOP (Венгрия); FGUP "Маяк" (Россия), ОАО "ГНЦ НИИАР" (Россия), ГНЦ ФЭИ (Россия), НИ ТПУ (Россия) ва бошқалар. Кўп йиллар давомида ЎЗР ФА ядро физикаси институтида ва унинг шуба ташкилотларида (“Тезлатгич” ва ДК “Радиопрепарат”) радионуклид маҳсулотлари ишлаб чиқариш ишлари амалга оширилиб келинаёпти.

Ўтказилган тадқиқотлар доирасида институтнинг ядро реакторида (ВВР-СМ) биринчи марта радиацион қамраш реакцияси (n,γ) орқали олинган ^{99}Mo радионуклиди асосида $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генераторини олиш технологияси ишлаб чиқилди. Бу технология уран орқали олинган молибден-99 технологиясига альтернатив сифатида ишлаб чиқилган. Кейинчалик шу технология Россияда ҳам (ИРТ-Т НИИ ядро физикаси ТПУ) қўлланилди. Кейинчалик бориб, технология кўп марта қайта кўриб чиқилди ва

такомиллаштирилди, ҳамда ДК “Радмиопрепарат”да ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Реакторда олинадиган радионуклидлар билан бир қаторда ядро физикаси институтининг У-150 циклотронда циклотронда олинадиган радионуклидлар ^{57}Co , ^{109}Cd ва ^{68}Ge кабиларни олиш технологиялари ишлаб чиқилди. Улардан ^{57}Co радионуклидини олиш технологияси “Тезлатгич” шубба корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилди ва махсулот хозирга қадар экспортга ишлаб чиқарилаяпти. Дастлаб ишлаб чиқилган, ^{57}Co радионуклидини олиш технологияси кейинчалик бир неча бор такомиллаштирилиб олинаётган махсулотни сифат кўрсаткичларини бир мунча яхшилашга эришилди.

Хозирги пайтда, жахонни кўп мамлакатларида, радионуклидларни олишга бағишланган радиокимёвий жараёнларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилаётган ишлар қуйидаги устувор йўналишларда олиб борилаяпти: ядровий материалларни, шу жихатдан Уран-235 ни тарқалишини олдини олиш мақсадида активацион молибден-99 асосида $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генераторини технологиясини такомиллаштириш; юқори активликка эга бўлган генератор олиш мақсадида генератор колонкаси учун янги, келажаги порлоқ сорбент яратиш; янада юқори тозалikka эга бўлган ^{57}Co радионуклидини олиш технологиясини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ядро медицинаси эҳтиёжи учун қўлланиладиган радионуклидларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш муаммолари билан дунёнинг бир мунча радиокимё олимлари шуғулланган ва шуғулланади: Америкадан (J. Steigman, E. N. Vine), Россиядан (Г.Е. Кодина, В.С. Скуридин, Е. Чибисов, Е. Нестеров)), Австралиядан (R. E. Boyd, R. W. Moore, J. V. Evans), Хиндистондан (N. Ramomorthy, P. Vanaja), Ўзбекистондан (Е.С. Гуреев, О. Аббаров) ва бошқа мутахассислар.

Хозирги кунда, $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ радиоизотопли генераторини технологияси, уран-235 дан олинадиган Мо-99 радионуклиди асосида кўп олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Бу генераторлар хроматографик усул асосида ва молибденни гел бирикмаси асосида ишлатилади. Генератор колонкасида Мо-99 она нуклидни ушлаб қолиш учун хархил сорбентлар, ҳам ноорганик, ҳам органик (синтетик ионитлар) тадқиқотдан ўтказилган. Шу билан бир қаторда циклотронда олинадиган ^{57}Co радионуклидини циклотронда никел нишонларини протонлар билан нурлантириб олиш технологияси ҳам ишлаб чиқилган (Обнинск, Россия). ^{57}Co радионуклидини бошқа нишонларни, масалан, темир нишонини нурлантириб олиш ва нурлантирилган нишонлардаги ^{57}Co радионуклиди активлигини вақтга, зарядланган заррачалар оқимига боғлиқлиги ўрганилган. Лекин, шу кунга қадар технологияларга таалуқли бир мунча муаммоларни ечими хал бўлмаган эди. Булар: $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ радиоизотопли генератор технологиясини, ядро реакторида молибденни активация қилиш йўли билан олинадиган Мо-99 ишлаб чиқиш ва ^{57}Co радионуклидини юқори тозалikka эга бўлган (махсулотдаги ^{56}Co радионуклидини миқдори 0,15% дан кам бўлиши керак) ҳолатда олиш имконини берадиган технологиясини яратиш.

Тадқиқот мавзусининг илмий тадқиқот ишининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий тадқиқот иши ЎзР Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № 01.92.000091-рақамли “Реактор ва циклотронда ҳосил бўладиган радионуклидларни олиш ва ажратишни илмий асосларини ишлаб чиқиш” (1992-1995 йй), № 01970005173-рақамли “Радионуклидларнинг фазалараро тақсимланиш қонунларини ва фазалардаги ҳолатларини тадқиқот қилиш” (1997-1999 йй), 2.1.5-рақамли “Радионуклидларни эритмалардаги, қаттиқ фазалардаги ҳолатлари, фазалараро тақсимланиш қонуниятлари, радионуклидларни реакторда ва циклотронда ҳосил қилиб олишнинг илмий асослари” (2003-2007 йй) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади радионуклидли $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генераторини реакторда активация қилиб олинган Мо-99 радионуклиди асосида ишлаб чиқиш ва юқори радионуклидли тозалikka эга бўлган ^{57}Co радионуклидини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нишон $^{98}\text{MoO}_3$ ни реакторда нурлантирилганда олинадиган радионуклид молибден-99 ни юқори маҳсус активлигини таъминлайдиган оптимал шарт-шароитларни аниқлаш;

реакторда нурлантирилган нишонга радиокимёвий ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш. Ишлов бериш жараёнида молибденни алюминий оксидида сорбцияланадиган кимёвий шаклини олиш;

генератор колонкасида ишлатиладиган сорбент (Al_2O_3) ни молибденга нисбатан юқори ютиш хажмига эга бўлган ҳолатини олиш имконини берадиган усулни аниқлаш;

генератор колонкасини ювишда ва технеций-99м радионуклидини колонкадан ювиб олишда ишлатиладиган эритмаларнинг таркибини аниқлаш;

бойитилган изотоп ^{98}Mo ни ишлатилган генераторларнинг колонкаларидан ва ишлаб чиқаришнинг радиоактив чиқиндиларидан регенерация қилиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генератори ишлаб чиқарилиши циклига қайтариш;

^{57}Co радионуклидини циклотронда, бойитилган ^{58}Ni изотопини протонлар билан нурлантириб, ҳосил қилиб олиш жараёнини ўрганиш ва оптимал шарт-шароитларини аниқлаш;

^{57}Co радионуклидини циклотронда нурлантирилган нишонлардан ажратиб олишни радиокимёвий технологиясини ва радионуклидни юқори тозалигини таъминлайдиган тозалаш усулини ишлаб чиқиш;

^{57}Co радионуклидини ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган радиоактив чиқиндилардан бойитилган никель-58 изотопини регенерация қилиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва олинган никель-58 изотопини ишлаб чиқаришда қайта ишлатиш шартларини ўрганиш.

Тадқиқотлар объекти сифатида $\text{Al}_2\text{O}_3 + ^{99}\text{Mo}(^{99\text{m}}\text{Tc}) + \text{NaCl} \rightarrow ^{99\text{m}}\text{Tc}$ ва $\text{FT4/TOA (дауэкс } 1 \times 4) + ^{58}\text{Ni}(^{57}\text{Co}) + \text{HCl} \rightarrow ^{57}\text{Co}$ радиокимё тизимлар олинган.

Тадқиқотлар предметини активацион молибден-99 асосида $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генератори олишни радиокимёвий технологияси; ишлатилган генератор колонкаларидан ва суяқ радиоактив чиқиндилардан бойитилган изотоп молибден-98 ни регенерация қилиб олиш технологияси; ^{57}Co радионуклидини циклотронда бойитилган изотоп никель-58 ни нурлантириб олишни радиокимёвий технологияси; ишлаб чиқариш чиқиндиларидан бойитилган изотоп никель-58 ни регенерация қилиб олиш технологияси ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Сорбция ва десорбция; адсорбцион хроматография; куйига ва юқорига йўналтирилган эюация; экстракция ва реэкстракция; экстракцион хроматография; гамма-спектрометрия; радиометрия; статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бойитилган ^{98}Mo изотопли молибден оксидини ядро реактори ВВР-СМ да нурлантириб юқори махсус активликка (6-9 Ки/г) эга бўлган ^{99}Mo радионуклидини активлаштириб олишни шартлари аниқланган;

молибденни изополимолибдат ҳолатидаги кимёвий шаклини олишни янги усули ва молибденни изополимолибдат шакли оксид алюминийда 99% дан юқори даражада сорбцияланиши аниқланган;

бойитилган ^{98}Mo ни активация қилиб олинган ^{99}Mo радионуклиди асосида радионуклидли $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генераторини олишни технологияси биринчи марта ишлаб чиқилган;

генератор колонкасидан $^{99\text{m}}\text{Tc}$ радионуклидини ажратиб олишда ишлатиладиган эритмаларни таркиби ва радионуклидни ювиб олишни шартлари аниқланган;

биринчи марта радионуклидли генератор $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ ишлаб чиқариш технологияси чиқиндиларидан бойитилган ^{98}Mo ни 80% гача регенерация қилиб олиш ва уни ишлаб чиқариш циклига қайтариш технологияси ишлаб чиқилган;

циклотронда ^{58}Ni изотопини протонлар билан нурлантиришни оптимал шартлари ва нурлантирилган нишонларни радиокимёвий ишлови аниқланган;

^{57}Co радионуклидини нурлантирилган никель-58 нишонларидан олишга асосланган, юқори радионуклидли тозаликни таъминлайдиган (радиоактив ифлосликлар миқдори 0.15% дан кам) такомиллаштирилган хроматографик усули ишлаб чиқилган;

биринчи марта ^{57}Co радионуклиди ишлаб чиқариш технологияси чиқиндиларидан бойитилган ^{58}Ni ни 80% гача регенерация қилиб олиш ва уни ишлаб чиқариш циклига қайтариш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

$^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ радионуклидли генераторини олиш технологияси ва экспериментал саноат қоидалари ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган;

^{57}Co радионуклидини олиш технологияси ишлаб чиқилган, технология ишлаб чиқаришга жорий қилинган ва ҳозирда технология асосида $^{57}\text{CoCl}_2$, радиоизотопли махсулот ишлаб чиқарилаёпти.

Тақиқот натижаларининг ишончилиги экспериментал тадқиқотларни ўтказишда замонавий усуллардан ва ўлчаш воситаларидан фойдаланганлик, олинган натижаларни ўзга тадқиқотчиларни олган натижалари билан солиштириш, ўтказилган тажрибаларни параллеллиги ва олинган натижаларга статистик ишлов бериш билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқотларнинг илмий ахамияти ^{98}Mo изотопини ядро реакторида нурлантиришни оптимал шароитларини аниқлаш, молибденни кучсиз нордон мухитларда изополимолибдат шаклини олиш шартлари, генератор колонкасидан $^{99\text{m}}\text{Tc}$ радионуклидини ювиб олишда қўлланиладиган эритмаларни таркибини аниқлаш, циклотронда нурлантирилган ^{58}Ni нишонини совутишни оптимал муддатини аниқлаш ва нурлантирилган нишонлардан ^{57}Co радионуклидини ажратиб олиш ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ^{98}Mo ва ^{58}Ni изотопларини ажратиб олиш ва тозалаш кабилардан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти радионуклидли генератор $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ технологиясини ва технологияни экспериментал саноат қоидаларини ишлаб чиқиш ва шунингдек ^{57}Co радионуклидини олиш технологиясини ишлаб чиқиш кабилардан иборат. Олинган натижаларни амалий ахамияти ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ радонуклидли генераторини ва ^{57}Co радионуклидини олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

натрий пертехнетат (Tc-99m) ни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (“Натрий пертехнетат (Tc-99m) ни олиш усули”, № 5121, 29.06.1998). Ихтиродан фойдаланиш натижасида натрий пертехнетат эритмасини генератор колонкасидан вакуумлаштирилган флаконлар ёрдамида олиш имконияти яратилган. Бу ҳолат клиникаларда генератордан фойдаланиш жараёнини хавфсизлигини таъминлайди;

ишлатилган генераторлардан олинган молибден-98 ни нейтронлар билан нурлантириб технеций-99m генераторини олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (“Технеций-99m генераторини олиш усули”, № IDP 05064, 18.01.2002). Ихтиродан фойдаланиш натижасида хом-ашёга бўлган ишлаб чиқариш харажатларини 80% га камайтириш ва $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генераторини чиқиндиларсиз технологиясини яратиш имконияти яратилган.

натрий пертехнетат (Tc-99m) ни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (“Натрий пертехнетат (Tc-99m) ни олиш усули”, № IAP 04001, 22.07.2009). Ихтиродан фойдаланиш натижасида Tc-99m радионуклидини генератор колонкасидан ювиб олиш унумини ва эффективлигини ошириш имконияти яратилди;

активацион ^{99}Mo ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан регенерация қилиб олинган бойитилган Mo-98 асосида ишлаб чиқилган технологиялар Ўз ФА ЯФИ ҳузуридаги “Радиопрепарат” Давлат корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган (10.08.2021 да берилган №1-1/784-сонли Ихтиродан фойдаланиш акти). Натижада маҳсулот сифати оширилди ва ишлаб чиқариш харажатлари 80% га қисқарди;

ташувчисиз кобалт-57 ни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (“Ташувчисиз кобалт-57 ни олиш усули”, № 5120, 03.07.1998). Ихтиродан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот кобалт-57 препаратининг радионуклидли тозалиги ошди ва сифати яхшиланди;

ташувчисиз кобалт-57 ни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (“Ташувчисиз кобалт-57 ни олиш усули”, № 2857, 30.09.1995). Ихтиродан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш харажатлари қисқартирилди ва кобалт-57 радионуклидини чиқиндиларсиз олиш технологияси яратилди;

^{57}Co радионуклидини такомиллаштирилган хроматографик технологияси ва ^{58}Ni изотопини ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ажратиб олиш технологияси ООО «Тезлатгич» корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган (09.08.2021 да берилган №126/1-сонли Ихтиродан фойдаланиш акти). Натижада маҳсулот сифати оширилди ва ишлаб чиқариш харажатлари 80% га қисқартирилди.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тақиқотлар доирасида олинган натижалар 18 та Халқаро ва Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий мақолалар илмий журналларда ва тўпламларда чоп этилган, шулардан 10 илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган нашрларда чоп этилган ва 15 та ихтирога муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар олинган. Умумий мақолалар сонидан 6 та мақола хорижий тўпламларда чоп этилган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

I. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг “Натрий пертехнетати (Tc-99m) ни олиш усули” (№ 5121, 29.06.1998 й.) ихтирога дастлабки патенти.

Фойдаланиш соҳаси: амалий радиокимёда.

Вазифаси: $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ радионуклидли генератор колонкасида сифати юқори бўлган радионуклидли препаратни ювиб олиш ишончилигини ошириш ва генератордан фойдаланиш жараёнида радиацион хавфсизлик даражасини ошириш.

Ихтиро миҳияти: усул молибден-98 изотопи билан бойитилган молибден оксидини иссиқ нейтронлар билан нурлантиришни, нурлантирилган

молибден оксидини ишқорий эритма ёрдами билан эритма ҳолатига ўтказишни, молибденни изополимолибдат шаклга ўтказишни, изополимолибдат шаклидаги молибденни генератор колонкасига жойланган алюминий оксидида сорбция қилишни, концентрацияси 0,01% дан кўп бўлмаган водород пероксидли, нордонлаштирилган дистирланган сув билан генератор колонкасини ювишни, генератор колонкасини стерилизациялашни ва натрий пертехнетати $\text{Na}^{99\text{m}}\text{TcO}_4$ кўринишли технеций-99m ни 23-25 мг/л нитрат натрийли натрий хлориднинг стерилли физиологик эритмасида элюирлашни (ювиб олиш) ўз ичига олади. Технеций-99m ни колонкадан ювиб олиш колонканинг остидан колонка тепаси томон 4-8 мл/мин тезликда амалга оширилади, бунда препаратни тортиб оладиган флакон ичидаги сийраклик 640- 680 симоб устунига тенгланади.

Амалиётда молибден-99 икки хил усул билан олинади ва иккала усул ҳам реакторда амалга оширилади:

- 1) ^{235}U (n,f) БМ (~ 6,1% ^{99}Mo);
- 2) ^{98}Mo (n, γ) ^{99}Mo .

Тақдим этилаётган ишда ^{98}Mo изотопи билан 98,75% гача бойитилган иккинчи усул таклиф қилинган.

Молибден нишонларини ядро реакторида нурлантирилганда молибден изотопларининг ядроларида (n, γ), (n,2n), (n,p) ядровий реакциялари бўлади. Бу реакциялар натижасида Мо ва Nb ларнинг радиоактив нуклидлари ҳосил бўлади. Бу ядровий реакциялар 1-жадвалда акс этдирилган. Келтирилган жадвалда ядро реакцияларининг кесимлари, радионуклидларнинг ярим емирилиш даври ва Мо-98 билан бойитилган нишондаги молибденнинг бошқа изотопларининг миқдори берилган.

1-жадвал

Нейтронлар таъсирида молибден изотоплари ядроларида бўладиган ядровий реакциялар.

Мо изотопи	Табиатда тарқалганлиги, %	Ядровий реакция	Активлашиш кесими, мбарн	Радионуклид	Ярим емирилиш даври	Бойитилган маҳсулотдаги миқдори, %
^{92}Mo	15,84	(n, γ) (n,2n) (n,p)	< 6 7,0 – 15,0 5,7 – 66,0	$^{93\text{m}}\text{Mo}$ $^{91\text{m}}\text{Mo}$ ^{92}Nb	6,94 ч. 1,09м. 10,16 д.	0,01
^{94}Mo	9,12	(n,p)	7,4	$^{94\text{m}}\text{Nb}$	6,3 м.	0,03
^{95}Mo	15,70	(n,p)	12,4	$^{95\text{m}}\text{Nb}$	3,75 д.	0,03
^{96}Mo	16,50	(n,p)	16 - 37	^{96}Nb	23,35 ч.	0,01
^{97}Mo	9,45	(n,p)	7,4	$^{97\text{m}}\text{Nb}$	1,0 м.	0,66
^{98}Mo	23,75	(n, γ) (n,p)	410 9,2	^{99}Mo ^{98}Nb	66,02 ч. 51,5м.	98,75
^{100}Mo	9,62	(n, γ) (n,2n)	200 1,8	^{101}Mo ^{99}Mo	14,61 м. 65,9 ч.	0,51

Баъзибир намуналардаги ҳосил бўлган молибден-99 нинг активлиги 2-жадвалда келтирилган. Шу жадвалда келтирилган маълумотлардан реакторнинг тажриба каналларидаги иссиқ нейтронлар оқими зичлигини (F) ва молибден-98 ни активлашишини эффектив кесимини (резонанс нейтронларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда) ҳисоблашда фойдаланилди. Ҳисоблаш натижалари қуйида келтирилган:

$$F(\text{условный номер канала 2-3}) = (8,17 \pm 0,37) \cdot 10^{13} \text{ н/см}^2 \text{ с.}$$

$$\Sigma_{\text{эфф}} = 0,57 \pm 0,06 \text{ барн,}$$

бунда F – иссиқ нейтронларнинг оқим зичлиги; $\Sigma_{\text{эфф}}$ – активлашиш эффектив кесими.

2-жадвал

Молибден-99 активлигини қийматлари, Ки/г ^{98}Mo

Намуна рақами	Нурлантириш вақти, соат.	Радиация қуввати бўйича	Монитор бўйича	Аликвота активлиги бўйича
1	200	6,60	6,55	6,71
2	190	6,43	6,76	6,47
3	190	7,00	6,95	6,90
4	185	6,79	6,94	6,45
5	185	6,41	6,01	6,05
6	165	6,37	5,73	6,13
7	160	6,37	5,22	5,76

Молибден-98 нурлантирилганда ^{99}Mo ҳосил бўлиши ҳосил бўлиш кинетикаси ва радионуклидни емирилиши билан аниқланади ва бўлиниш нейтронларининг спектрига, активлаштирилаётган нуклиднинг ядро-физикавий хусусиятларига ва нурлантириш вақтига боғлиқ бўлади.

$^{99\text{m}}\text{Tc}$ ядроларининг она нуклидда йиғилиши максимумга эга бўлиб, максимумдан ўтгандан сўнг радиоактив парчаланишнинг мувозанат ҳолатига мос келган ҳолда камайиб боради. Максимумга чиқиш вақти қуйидаги ифода орқали топилади:

$$t_{\text{max}} = \frac{\ln(\lambda_{\text{T}}/\lambda_{\text{Mo}})}{\lambda_{\text{Tc}} - \lambda_{\text{Mo}}} \quad (1)$$

унинг қиймати 23,04 соатга тенг.

Технологик жараёни асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

- тайёргарлик ишлари (генератор колонкасининг сорбенти Al_2O_3 ни тайёрлаш, эритмаларни тайёрлаш, нурлантириладиган намунани тайёрлаш);
- $^{98}\text{MoO}_3$ намунасини нурлантириш;
- нурлантирилган $^{98}\text{MoO}_3$ ни эритиб эритма ҳолатига келтириш;
- молибденни изополимолибдат формасига ўтказиш;
- молибдена-99 ни оксид алюминийда сорбциясини ўтказиш;

- генератор колонкасини стерилизациялаш;
- технеций-99m радионуклидини генератор колонкасидан дастлабки ювиб олинишини (элюациясини) ўтказиш.

Юқорида санаб ўтилган технология жараёнларининг этапларидан дастлабки элюация ва умуман бола нуклид Тс-99m ни генератордан фойдаланилаётганда элюацияси Тс-99m ни генератор колонкасидан ювиб олиш эффективлигига катта таъсир кўрсатади. Генераторнинг дастлабки вариантларида элюация юқоридан пастга қарата, махсус шприцдан фойдаланган ҳолда ювиш принципида амалга оширилган. Бундай элюацияда эритма колонка бўйлаб юқоридан пастга қараб ҳаракатланган. Бундай элюацияда элюацион эритма генератор колонкасининг хамма зоналаридан бир текисда юрмаслик хавфи мавжуд ва бу ҳол генераторда генерация бўлган Тс-99m ни колонкадан тўлиқ ювиб олинишига олиб келмаслиги мумкин. Элюацияда элюацион эритманинг колонка бўйлаб ҳаракатланиш тезлиги хам муҳим рол ўйнайди.

Такдим этилаётган ихтирода вакуумлаштирилган флаконлардан фойдаланган ҳолда пастдан юқorigа қарата элюациялаш принципи таклиф қилинган. Бу принцип она радионуклид Мо-99 ни колонка сорбентида бир текис тарқалмаганлиги натижасини бартараф қилиб, элюацион эритманинг мумкин бўлган “сакраш” ларини олдини олиш имкониятини беради. Принцип генераторда ҳосил бўлган Тс-99m ни тўлиқ ювиб олиш имконини беради, генератор ишининг ишончлилигини оширади ва генератордан фойдаланиш жараёнида персоналнинг кўшимча нурланиш хавфини камайтиради. Ўз навбатида вакуумлаштирилган флаконлардан фойдаланиш элюацион эритмани генератор колонкасида ҳаракатланиш тезлигини танлаб олинган қийматини ушлаб туриш имконини беради.

Таклиф қилинаётган усул тажрибаларида олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган

3-жадвал

Тс-99m ни ювиб олинишини элюация тезлигига боғлиқлиги (флаконлар вакуумланган)

Элюация тезлиги, <i>мл/мин</i>	Флакон ичидаги сийраклик, <i>мм рт. ст.</i>	Выход Тс-99m ювиб олиниш эффективлиги, %
2,0	720	92,3
3,0	700	92,0
4,0	680	91,4
5,0	670	90,7
6,0	660	89,9
7,0	650	87,9
8,0	640	85,6
9,0	620	76,5
10,0	600	70,4

Таблицада келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, элюациянинг кичик тезликларида муқим юқори эффективлик кузатилади, ва аксинча тезлик ошганда эффективлик камайди. Аммо, элюация тезлигини 4 мл/мин дан камайтириш радиоактив манба бўлган генератордан фойдаланиш вақтини узайишига олиб келади ва бу персонал учун тавсия қилинмайди. Танлаб олинган элюация тезлиги флакон ичидаги сийраклик симоб устуни 640-680 мм бўлганда таъминланади.

II. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг "Тс-99m генераторини олиш усули" (№ IDP 05064, 27.03.2001 й.) ихтирога дастлабки патенти.

Фойдаланиш соҳаси: амалий радиокимеда, хусусан тиббиёт эҳтижлари учун радиоактив препаратлар олиш усулида.

Вазифаси: технеций-99m генераторининг олиш технологиясини соддалаштиришга ва натрий пертехнетат-99m генераторидан олинадиган сўнгги маҳсулотни юқори сифатини сақланган ҳолда жараённи анча тежамли қилишга имкон берадиган усул яратиш.

Ихтиро моҳияти: усул ишлатилган технеций-99m генератор сорбентидан эритмага десорбциялаш, эритмадан чўктириш, чўкмани сувли фазадан ажратиш, қуритиш ва қиздириш йўли билан олинган молибден-98 оксидини иссиқ нейтронлар билан нурлантиришни ўз ичига олади. Сўнгра молибден оксидини ишқорда эритиб изополимолибдат шаклига ўтказилади. Сорбциялашни алюминий оксидида ўтказилади. Генератор колонкасини ювиш, стериллаб сўнгра технеций-99m ни элюация қилиш натрий хлориди физиологик эритмаси билан ўтказилади. Ишлатилган генераторлар сорбентидан молибден-98 ни десорбциялаш аммиакнинг камида 10% ли сувдаги эритмаси билан 0,9-1,2 мл/мин тезликда амалга оширилади.

АТЭХАГ (МАГАТЭ) нинг уран изотопи уран-235 ни (Мо-99 изотопини олишда ҳам ишлатилади) бойитиш даражасини камайтириш бўйича олиб бораётган сиёсати туфайли кўпчилик тадқиқотчилар ўз эътиборларини Мо-99 ни бойитилган Мо-98 изотопини (n,gamma) реакцияси ёрдамида олиш муаммосига қаратишга мажбур бўлдилар. Натижада бойитилган Мо-98 изотопини нархи кескин даражада ошиб кетди. Бизнинг шароитда бу ҳолат $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генератори технологиясини харажатларини ошишига олиб келди. Чунки бизда ишлаб чиқарилаётган генераторлар технологияси бойитилган Мо-98 изотопини нейтронлар билан нурлантириш натижасида олинади. Шу туфайли бойитилган Мо-98ни ишлатилган генераторлардан ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан регенерация қилиб олиш ва ишлаб чиқаришда ундан қайта фойдаланиш зарурати пайдо бўлди. Бу муммони ечими чиқиндиларсиз ишлаб чиқариш технологиясини яратиш нуқтаи назаридан ҳам актуал ҳисобланади.

Агар Мо-98 нурлантирилганда 5 Ки/г активлик ҳосил бўлса, бундай активлик 10^{-5} г Мо-98 массасини сарфланишига олиб келади. Бу Мо-98 нинг асосий қисми активлашмай чиқиндига чиқиб кетади дегани. Активлашмай қолган бу молибденни регенерация қилиб қайтариш ва ундан ишлаб

чиқаришда қайта фойдаланиш мумкин. Бу жараёни ишлатилган генераторларнинг сорбентларини йиғиб, маълум муддат сақлаш ва сорбентдаги қолдиқ активлик сезиларли даражада камайгандан сўнг амалга ошириш мумкин. Бу материалдан 60-70% Мо-98 изотопини регенерация қилиб олиш корхонани хомашёга бўлган йиллик эҳтиёжини ярмидан кўпини қоплаши мумкин.

Таклиф қилинаётган усулда Мо-98 ни генератор колонкасининг сорбенти фазасидан ювиб олиш учун аммиакнинг сувли эритмасидан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган. NH_4OH нинг эритмаларидан фойдаланилганда молибден нормал молибдат ионлари шаклига (MoO_4^{2-}) ўтади ва Al_2O_3 фазасидан сувли фазага ўтади.


Аммиакнинг сувли эритмаларини ишлатиб олинган натижалар 4- ва 5-жадвалларда, ҳамда 1-расмда келтирилган. Тажрибада олинган натижалардан келиб чиқиб аммиакнинг сувли эритмасини концентрацияси 10% дан кам бўлмаслиги оптимал деб топилган.

4-жадвал

NH_4OH концентрациясини Мо-98 унумига таъсири

NH_4OH концентрацияси, %	Мо-98 нинг унуми, %
7,0	60
9,0	78
10,0	86
11,0	89
12,0	90
13,0	> 90

Мо-98 ни ишлатилган генераторларнинг сорбент фазасидан ювиб олиш тезликларини регенерация жараёнига таъсири 5-жадвалда кўрсатилган. Натижалар оптимал ювиш тезлиги 0,9-1,2 мл/мин ни ташкил қилишини кўрсатади.



1-расм. Мо-98 ювилиш графиклари

- 1 - 3,5% NH₄OH;
- 2 - 7,0% NH₄OH;
- 3 - 10% NH₄OH;
- 4 - 7,0% NH₄OH + 2,0% H₂O₂.

5-жадвал

**Мо-98 ни ювилишини оптимал тезлигин аниқлаш
(сорбент массаси 200 г)**

Ювилиш тезлиги, <i>мл/мин</i>	Сарфланаётган эритма хажми, <i>мл</i>	Тўлиқ ювилиш вақти, <i>мин</i>
0,4	240	600
0,6	260	430
0,8	280	350
0,9	290	320
1,0	300	300
1,1	300	270
1,2	310	260
1,3	350	270
1,4	400	285

Технология жараёнининг кимёвий схемасини қуйидагича келтириш мумкин:

1. 10% дан кам бўлмаган аммиак эритмаси билан Мо-98 ни оксид алюминийдан ювиб олиш.




2. ~100⁰С температурада (NH₄)₂⁹⁸MoO₄ ни концентрлаш.

3. Азот кислотаси ёрдамида молибден кислотасини ҳосил қилиб чўктириш.



4. Чўкмани филтрлаш ва дистилланган сув билан ювиш.

5. Олинган молибден кислотани қуришиб ва қиздириб молибден оксид шаклига ўтказиш.



III. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг “Натрий пертехнетатини (Тс-99m) олиш усули” (№ IAP 04001, 31.05.2007) ихтирога патенти.

Фойдаланиш соҳаси: амалий радиокимеда, хусусан тиббий мақсадлар учун радиопрепаратлар олишда.

Вазифаси: молибден-99 нинг солиштирма активлигини ошириш ва Тс-99m ни колонкадан чиқиш унумини ошириш, шунингдек мақсадли маҳсулотнинг юқори характеристикаларига эга бўлишда барқарорликни таъминлаш.

Ихтиро моҳияти: натрий пертехнетат (Тс-99m) ни олиш усули ($1,0-1,5$) $\cdot 10^{14}$ н/см²с⁻¹ нейтронлар оқим зичлигида Мо-98 изотопи билан бойитилган молибден оксидини иссиқ нейтронлар билан нурлантиришни, нурлантирилган молибден оксидини ишқорда эритишни, ишқорли эритмага рН=2,0 гача хлорид кислотанинг сувли эритмасини қўшиб, молибденни изополимолибдат шаклига ўтказишни, изополимолибдат сорбцияси олдида генератор колонкасини 60-80 °С температурали ва рН=2,0 га тенг хлорид кислотасининг иссиқ сувли эритмаси билан ювишни, генератор колонкасига жойлаштирилган молибденни дистирланган сув ва рН=2,0 ли хлорид кислотасининг сувли эритмаси билан ювилган 0,05-0,20 мм ўлчамдаги заррачалар қўрилишидаги алюминий оксидида сорбция қилишни, колонкани 2,5-3,0 г миқдордаги сорбент билан тўлдиришни, изополимолибдат сорбциясидан олдин ва кейин генератор колонкасини рН=2,0 ли хлорид кислотасининг сувли эритмаси билан ювишни, натрий пертехнетат (Тс-99m) қўрилишидаги технеций-99m ни таркибида 23-25 мг/мл натрий нитрати бўлган натрий хлориднинг стерил эритмаси билан флаконга элюирлашни, ўз ичига олади. Бунда флакон ичидаги сийраклик симоб устунининг 640-680 мм га тенг бўлиб, элюирлаш колонканинг пастида юқорисига қараб 4-8 мл/мин тезлик билан амалга оширилади.

Келтирилган ихтирода молибден оксидини (Мо-98) $1,2 \cdot 10^{14}$ н/см²с⁻¹ нейтронлар оқими зичлигида реакторнинг марказий каналида ТВЭЛ лар зонасида нурлантиришни таклиф қилинган, Бу ҳолда Мо-99 нинг солиштирма активлигини 5 Ки/г дан 9 Ки/г гача ва ундан юқори ошириш имкони пайдо бўлади (6-жадвал).


Mo-99 нинг солиштирма активлиги

Нейтрон оқими зичлиги, n/cm^2c^{-1}	Нурлантириш вақти, час	Солиштирма активлик, Ки/г
$1,2 \cdot 10^{14}$	122	8,8
$1,2 \cdot 10^{14}$	140	9,0
$1,2 \cdot 10^{14}$	176	10,3

Молибден ишқорий эритмада эритилганда нормал молибдат молекулалари ҳосил бўлади (тенглама 5).



Бундай эритмани нордонлаштирилганда таркиби рН қийматига боғлиқ бўлган молибден бирикмалари ҳосил бўлади. рН 6,0 дан 2,0 гача ўзгарганда секин аста эритмада пара- и изополимолибдат ионлари ҳосил бўла бошлайди (6 ва 7 тенгламалар):



Молибден кислотасининг чўкмаси ҳосил бўлмаслиги учун эритмани нордонлаштириш хлорид кислотанинг паст концентрацияси (1,0 мол/л) билан амалга оширилади. Генератор колонкасидаги сорбентнинг 0,05-0,20 мм ўлчамли заррачалари изополимолибдат ионларини сорбциясини таъминлайди. Молибден сорбциясига сорбентга сорбциядан олдин температура ёрдамида ишлов бериш таъсир қилади. Генераторнинг эффектив ишлашига температурани таъсири 7-жадвалда кўрсатилган.

Tc-99m ни генератор колонкасида элюирлаш эффективлигига температурани таъсири. из генераторной колонки

Температура, °C	Tc-99m унуми, %	Mo-99 аралашмаси, %
20	86,0	0,002
40	92,0	0,001
60	97,5	0,0009
80	98,8	0,0009

рН қийматини генераторнинг ишлаш эффективлигига таъсири 8-жадвалда кўрсатилган.

**Элюирлаш эритмасининг рН ини $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генераторининг ишлаш
эффективлигига таъсири**

Ўлчов вақти	рН	Tc-99m унуми, %	Mo-99 аралашмаси, %
Тайёрланган кун	1	91,7	0,0087
	2	97,8	0,0007
	3	95,0	0,0009
4 кундан кейин	1	90,2	0,004
	2	98,8	0,0009
	3	94,0	0,001
6 кундан кейин	1	88,0	0,002
	2	100,0	0,001
	3	86,0	0,002

Ва охирида $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ экспериментал генераторларидан бирининг характеристикалари 9-жадвалда келтирилган.

Экспириментал $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генераторининг характеристикалари

Ўлчанадиган параметрлар	Параметрлар қиймати
Удельная активность Mo-99, <i>Ku/г</i>	9,2
Объемная активность, <i>ГБк/мл</i>	2,1
Выход Tc-99m, %	97,8
Радиохимическая чистота, %	> 99
Содержание Mo-99	$7 \cdot 10^{-3}$
рН	6,0
Содежание алюминия, <i>мкг/мл</i>	< 2,0

Шундай қилиб, таклиф қилинган процедураларнинг мажмуаси $^{99}\text{Mo}/^{99\text{m}}\text{Tc}$ генераторини тайёрлашда ихтиро олдига қўйилган вазифаларни ижобий хал қилиш имконини беради.

IV. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг “Ташувчисиз кобальт-57 радионуклидини олиш усули” (№ IDP 2857, 14.09.1994 й) ихтирога дастлабки патенти.

Фойдаланиш соҳаси: радиоактив нуклидларни ажратиш усулларида.

Вазифаси: кобальт-57 ни ишлаб чиқариш учун сарф-харажатларни камайтириш ва уни чиқиндисиз шаклда ишлаб чиқаришни барпо қилиш.

Ихтиро моҳияти: усул бойитилган никел-58 ни протонлар билан нурлантиришни, хлорид кислотада эритишни, анион алмаштирувчи тўлдирилган хроматографик колонкада кобальт-57 ни сорбция қилиш ҳамда уни хлорид кислота эритмасида элюирлашни, дастлабки колонкадан ўказилган эритмани фойдаланилган тагликни ювиш натижасида олинган эритма билан қўшиб иккиламчи анион алмаштирувчи колонка орқали


ўтказишни, ишқор эритмаси билан никелни гидроксид шаклда чўктиришни, ҳосил қилинган чўкмани рН 9,0 дан кам бўлмаган ишқорий муҳитда сутка давомида ушлаб туришни, чўкмани филтрлашни, ювишни ва қуриштишни, қиздириш йўли билан никел-58 гидроксидини оксид шаклига ўтказишни ўз ичига олади.

Ҳозирги пайтда барча кобалт-57 ишлаб чиқарадиган ташкилотлар (фирмалар) технологияда бойитилган никел-58 дан фойдаланади. Шу сабабли бойитилган никел-58 нинг нархи кейинги пайтларда кескин ошиб кетди. Бу эса ўз навбатида кобалт-57 ишлаб чиқаришни сарф харажатларини ошишига олиб келди.

Никел-58 протонлар билан нурлантирилганда унинг асосий қисми ядровий ўзгаришда қатнашмайди ва радиоактив чиқинди сифатида чиқиндилар кўмиш ташкилотига бериб юборилади. Технология жараёнида никел-58 радиоактив чиқинди сифатида қаттиқ ҳолатда ҳам, суяқ ҳолатда ҳам учрайди. Шу сабабли чиқиндилар таркибидан никел-58 ни регенерация қилиб ажратиб олинса ва ишлаб чиқаришда қайта ишлатилса ишлаб чиқариш сарф харажатларини камайтириш имконини беради.

Никел-58 регенерациянинг кимёвий схемасини қуйидаги тарзда ифодаласа бўлади:

